



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 15-iyun. Shanba • 72 (31.662)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

МУШТАРАК ОЛИЖАНОБ МАҚСАДЛАР — МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК АСОСИ



Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 13 июнь кунин расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 14 июнь кунин Қўқсаройда бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмонни расмий қутиб олиш маросими бўлди. Қозоғистон Республикаси Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат раҳбарлари шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафидан ўтдилар. Икки давлат раҳбарлари тор

доирадаги музокараларда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим масалаларини, минтақадаги ва халқаро майдондаги бугунги ҳолатни атрафлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг кўриб чиқилган икки ва кўп томонлама хусусиятга эга дўстлик барча масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш ва яқин экани таъкидланди.

Томонлар мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги давлатлараро мулоқотлар қарор топганини ҳамда давлатларимизнинг миллий манфаатларини ва бугунги давр талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳамкорликни ҳар томонлама янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш борасидаги интилишлари муштарак эканини таъкидладилар.

Қаътий сиёсий ирода, яқин ҳамжиҳатлик, мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий база ҳамда конструктив ҳамкорлик борасида тўпланган катта тажриба натижасида бугун узоқ муддатга мўлжалланган кенг қўламли самарали ҳамкорлик учун барча зарур шароитлар ва асослар яратилган.

Ўзбекистонда Қозоғистонга вақт синовидан ўтган ишончли қўшни сифатида қаралади. Қозоғистон ҳам мамлакатимизга ана шундай нуктаи назар билан қарайди.

Ўзбек ва қозоқ халқларини кўп асрлик қардошлик ришталари, муштарак тарих ва тақдир, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради. Таъкидланганидек, халқларимизнинг умумий тарихий меросини, шунингдек, уларнинг бугунги ва келажакдаги бир-биридан ажратиб бўлмайдиган, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

(Давоми иккинчи бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз шу йил 1 сентябрь кунин Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик тўйини катта тантана, шоду хуррамлик билан кенг нишонлайди.

Биз учун энг улуг, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини марказда ва жойларда ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан қутиб олиш мамлакатимизда эзгу аъёнга айланиб қолган.

Ҳақиқатан ҳам, умуммиллий байрамимиз бўлган бу қутлуг сана ҳақида сўз борар экан, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни ҳолисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга аввало қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиийдир.

Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ва ҳудудий комиссиялар Мустақиллик байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган ширини асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Мустақиллик — бу аввало ҳуқуқ эканини, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва гурурини англаши, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қаъий назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканини кенг очиб бериш;

халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг мустақам иродаси, қатъият ва матонатни, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонганини чуқур таҳлиллар орқали кўрсатиш;

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — ўзбек моделининг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танланганини, ўтган йиллар давомида бу йўл юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятимиз ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ҳар томонлама ўзини оқлагани ва бугунги кунда амалий натижасини бераётганини аҳоли ўртасида ўтказиладиган ташвиқот-тарғибот ишлари, жонли суҳбат ва мулоқотларнинг асосий йўналиши деб қабул қилиш;

мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб белгилаб олинган «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган, одамларимиз қалбидан эзгу орзу-интилишларни яққол ифода этган олижаноб давлат халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида сафарбар этгани, юртдошларимизнинг юрагига чуқур кириб боргани истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

Мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида, мамлакатимиз кескин ижтимоий муаммолар гирдобидида қилиб кетган таҳликали бир пайтда маъжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида амалга оширилган ислохотлар моҳиятини теран акс эттириш. Жумладан, ғоят оғир айни ўша шароитда аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратиш ҳақидаги фармон ва қарорлар қабул қилингани, шу асосда Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага ҳаммаси бўлиб 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилгани қишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни

ечиш, айтиш мумкинки, жар ёқасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда улкан тарихий қадам бўлганини чуқур очиб бериш. Ана шундай ўзгаришлар туфайли одамлар дунёда адолат ва ҳақиқат борлигига, мустақиллик ҳар қайси оила, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайдиган бебаҳо неъмат эканига чин дилдан ишонч ҳосил қилгани ва шу қаби бошқа мисолларда мустақиллик деган буюк тарихий ҳодисанинг қадр-қиммати ва аҳамияти ҳақида фикр юритиш;

мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларини модернизация қилиш, илгор техника ва технологиялар билан қуроллантириш, энг замонавий корхоналарни барпо этиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини бугунги талаблар асосида ривожлантириш мақсадида амалга оширилган том маънодаги улкан ишларнинг мазмун-моҳиятини кенг таҳлил қилиш;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину дёнанимиз, қўҳна урф-одат ва аъёнларимизнинг қайта тиклангани, истиқлол даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлганини ифода этиш;

юртимизда мустақил давлат барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига эришиш, Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек улуг мақсадларни ўз олдимизга қўйиб, бу марраларнинг нақадар буюк ва масъулиятли эканини ўзимизга чуқур тасаввур қилган ҳолда, ана шундай юксак уфқлар сари дадил бораётганимизнинг энг асосий омили ва мезонларини кенг ёритиш. Бунда, аввало, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган, бетакрор миллий қадриятларимиз, бебаҳо маданий меросимизнинг муносиб ворислари бўлиш билан бирга, дунё илму фани ютуқларини пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамоҳанг бўлиб яшашига, манаман деган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллашувга тайёр бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи истиқлол йилларида Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини акс эттириш. Қандай оғир бўлмасин, ана шу буюк мақсадни амалга ошириш учун барча куч-қудратимиз ва имкониятларимизни сафарбар этганимиз, шу йўлда аҳамиятини баҳолашнинг ўзи қийин бўлган ишларимизнинг амалий натижаларини кўрсатиш. Бугунги кунда бу ютуқлар ҳаётиимизда, мамлакатимиз тараққиётида, ўзгаларнинг ҳавсини тортаётган барқарор ўсиш суръатларида яққол намоён бўлаётгани, камол топаётган фарзандларимиз ҳаётиимизнинг асосий, ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётганини таъсирчан мисолларда ифода этиш.

Юқорида зикр этилган фикрларни бундан ўн олти йил аввал қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълиминини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ва бошқа муҳим ижтимоий дастурлар таҳлили орқали мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш;

давлатимиз томонидан мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳоли, биринчи навбатда ёшларимизнинг жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан етук авлод бўлиб улғайишига берилётган юксак эътиборнинг яққол тасдиғи сифатида мамлакатимизда давлат бюджетини ҳаражатлар қисмининг 60 фоизга яқини таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳалари ривожига йўналтирилаётгани дунё тажрибасида камдан-кам учрашини, Ўзбекистон айлани шу соҳаларда жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб бораётгани нуфузли халқаро эксперт ва таҳлил марказлари томонидан эътироф этилаётганига алоҳида аҳамият қаратиш;

(Давоми иккинчи бетда.)

Партия дастурий мақсадларини самарали амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Қуйи бўғиннинг обрў-эътибори эса етакчининг дунёқараши, сиёсий-ҳуқуқий билими, жамоатчилик билан ишлаш ва ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ. Шу боис етакчини сайлаш масаласи партиянинг эртанги нуфузига бевосита дахлдор эканини унутмаслик лозим.

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

ЕТАКЧИГА ЯНА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ » 3-бет

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ПАРТИЯМИЗ ЎЗ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОРҚАЛИ

мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий
ислохотларни мустаҳкамлашга, аҳоли бандлигини
таъминлашга самарали таъсир кўрсатмоқда

«Ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш бўйича ЎзХДПнинг дастурий мақсад ва вазифалари». ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидирув институти» ОАЖда шу мавзуда семинар ўтказилиши режалаштирилган эди...

Семинар бошланғичига 5-10 дақиқа бор... Партия аъзоси Акмал Исобеков тадбир дастури билан танишиб турган пайтда унга мурожаат қилдик:

— Сиёсий партия аъзоси сифатида ижтимоий-сиёсий жараёнларни фаол кузатиб борасиз албатта. Нима деб ўйлайсиз, ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишда ЎзХДПнинг бугунги ўрни ва роли қай даражада?

— Бу масалада ЎзХДП аниқ позицияси, мақсад ва вазифасига эга, — деди у. — Оддий бир мисол. Партия аҳолининг алоҳида қўллаб-қувватлашга, ёрдамга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилади. Ай-

ниқса, партияимизнинг аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, қўлидан иш келадиган, касби-ҳунари бор кишиларни меҳнатга жалб қилишга қаратилган ташаббуслари, лойиҳалари кўп. Уларни амалга ошириш орқали қўллаб одамлар ўз ишини бошлаб, даромад манбаини мустаҳкамлаяпти. Ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишда бу алоҳида аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

(Давоми 3-бетда.)

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ПАРТИЯМИЗ ЎЗ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОРҚАЛИ

мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни мустаҳкамлашга, аҳоли бандлигини таъминлашга самарали таъсир кўрсатмоқда



Очиғи, бу биз кутган жавоб бўлди. Партиянинг ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишда амалий ташаббуслари, мазкур йўналишдаги мақсад ва вазифалари семинарда бир-бир таҳлил қилинди.

Сўзга чиққанлар электротнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари олиб бораётган ишлар ва қонунчилик ташаббуслари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди. Худудлар ҳамда тармоқларнинг ривожлантириш дастурларининг изчил ижросига эришиш, аҳоли, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан банд этиш, иш ўрни очилгани ҳақидаги ахборот ва ҳисоботларнинг ҳаққончилигини таъминлаш масалаларида партия ташкилотларининг ўрни ҳақида сўз юритилди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисми орасида ислохотларнинг иқтисодий ва ижтимоий самарасини оширишга ҳисса қўша оладиган, меҳнатга лаёқатли кишилар кўпчилигини ташкил этади. ЎзХДП бундай фуқароларни фаол меҳнат жараёнига жалб этиш уларнинг манзилли ижтимоий ҳимоясини таъминлашнинг асосий йўналиши, деб ҳисоблайди.

Ҳўш, бу жараёнда бизнинг иштирокимиз қандай бўлапти? Жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси таҳлил этиб борилапти. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда депутатлик сўрови ва Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилияпмиз.

Биламизки, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларга қатор ҳуқуқ ҳамда ваколатлар берилган. Улар аҳолининг кенг қатлами билан бевосита

яқин алоқада фаолият олиб боради. Бу эса худудлардаги масалалар тўғрисида тўлиқ ва аниқ ахборотга эга бўлиш, уларнинг ечимига доир тақлифларни олиб чиқишга имконият туғдиради.

Шунинг учун касаначиликни, кўп маблаг талаб қилмайдиган ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлашга янада самарали таъсир кўрсатиш олдимиздаги муҳим вазифа ҳисобланади.

Мастура САЙФИДДИНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Парламентдаги ЎзХДП фракцияси қонунлар ижроси назорат-таҳлилида ҳам фаол иштирок этмоқда. Жойларда партия электорати муаммоларини ҳал этиш, қишлоқ жойларда инфратузилмани ривожлантириш, аҳолига ижтимоий, коммунал хизматлар кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, ҳудудий бандлик дастурларини бажариш, мазкур йўналишдаги қонун-

чилиқни такомиллаштиришда депутатларнинг таъсир кучи сезиларли даражада ошди.

Масалан, яқинда фракция-миз аъзоларининг «Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг янги мўқобил таҳрири, шунингдек, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасига тақлифлар ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг масъул кўмитасига тақдим этилди.

Айтиш жоизки, фракция аъзоларининг электорат манфаатини ҳимоя қилиш, ижтимоий вазифаларни бажаришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда. Бу эса худудлардаги ижтимоий-иқтисодий шароитни атрофлича ўрганиб, одамларни йўналиштиришда давлат манфаатларини ҳал этиш йўлини биргаликда излаш ҳамда соҳалар барқарор ривожланиши учун ишлаб чиқариш тақлифлар пухталигига хизмат қилмоқда.

Тўра НОРБОВЕВ, фалсафа фанлари номзоди, доцент:

— Эркин фуқаролик жамиятини фуқаролар фаоллигисиз барпо этиб бўлмайди. Шу боис, мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг қизиқиш ва имкониятидан келиб чиқиб, ўз қобилиятини намоён этиши учун шарт-шароит яратиб берилмоқда. Масалан, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ёки жисмоний имконияти чекланган фуқаролар учун алоҳида эътибор ва

ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бу борада олиб борилаётган ишчи сиёсат тўғрисида кучли ижтимоий ҳимоя тизими юзага келди ва бу халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Сиёсий партиялар ўз дастурини амалга ошириш орқали мамлакатдаги ислохотларга муносиб ҳисса қўйиши лозим. Амалга оширилаётган ислохотлар ва модернизациялаш жараёнида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ўзига хос ўринга эга. Бу, аввало, партиянинг мақсад ва вазифалари халқ орому-умидлари билан муштараклигида, фуқаролар манфаатларига ҳамоханлигида намоён бўлади.

Семинарда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Зиёвуддин Мансуров, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Учқун Шойимқулов, «Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда кидирув институти» ОАЖ директори Ғайбулло Абдуллаев сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси қарор қилинган ҳаётга татбиқ этиш жараёнида давлат бошқарувини демократлаштиришга хизмат қилувчи муҳим қонунлар қабул қилинаётгани, барча сиёсий партиялар, жумладан, ЎзХДП ҳам шунга мос равишда дадил фаолият юритиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Хориж

ТАБИЙ ОФАТЛАР

КАТТА ЗАРАР ЕТКАЗМОҚДА

XXI асрнинг ўн учинчи йили ҳам ўтиб бормоқда. БМТ экспертлари шу йиллар давомида кишилик жамиятига табиий офатлар етказган иқтисодий зарар қамровини ҳисоб-китоб қилиб чиқди. Унинг миқдори 2,5 триллион долларга етиб қолибди.

Табиий офатлар оқибатида 56 давлатда иқтисодий йўқотишлар қайд этилган шарҳда БМТ бош котиби Пан Ги Мун сўзлари келтирилган. Унда айтилишича, зарарни камайтириш мумкин. Лекин дунё инвестициясининг 70-85 фоизи ҳусусий секторга тўғри келади. Улар табиий офатларни ҳисобга олган ҳолда мустаҳкам иншоотга эга бўлиш ёки ишлаб чиқариш объектларини яратишни эмас, балки тезроқ фойда олишни қўлайдилар. Шу боис иқтисодий зарар миқдори салмоқли тус олмоқда.

Эндиликда кичик бизнес вакиллари ўз инвестицияларини ишлаб чиқаришга йўналтириш баробарида табиий офатлар «зарбаси»га қарши стратегияни ҳам ёддан чиқармасликла-



ри даркор, дейилади БМТнинг Янгиликлар маркази хабарига.

БМТ маълумотларига қараганда, ўтган йилнинг ўзига дунё бўйича 310 тадан ортиқ табиий офат — зилзила, сув тошқини, қурғоқчилик, қўон юз берган. Натижада 9 минг 300 дан зиёд киши ҳалок бўлган, 106 миллион киши жабрланган.

ЮҚОРИ ҚАВАТЛАРДА

ЯШАШ ФОЙДАЛИ ЭКАН

Берн университети тадқиқотчилари томонидан «Европа эпидемиология журнали»да эълон қилинган илмий мақолада қизиқ фактларга дуч келасиз.

Тадқиқотчилар кўп қаватли уйларда яшовчи 1,5 миллион киши ҳаётини узоқ йиллар давомида ўрганган ва шундай ҳулосага келишдики, пастки қаватда яшовчилар 8-қаватдан юқорида яшовчи фуқароларга нисбатан сил касалига 40 фоиз кўпроқ чалинишаркан. Юрак касалликлари борасида ҳам фарқ юқори — 35 фоизни ташкил қилган. Узоқ умр кўриш нисбати ҳам юқори қаватдагиларда 22 фоиз юқоридир.

Бунга сабаб пастки қаватдагилар шаҳарнинг флосланган ҳавосидан, шовқин-суронидан

кўп «баҳраманд» бўлиши. Бундан ташқари, пастки қаватдагиларда жисмоний ҳаракат кам. Яъни лифт ишламаган пайтларда юқори қаватдагилар зина-поядан кўтарилади. Бу эса улар саломатлиги учун фойдалидир.

Европа мамлакатларидаги кўп қаватли уйларда асосан кам таъминланганлар яшайди. Ўзига тўқ фуқаролар эса кам қаватли уйларда ёки участкаларда истиқомат қилади. Бироқ улар қанчалар бой бўлмасин, узоқ умр кўришда юқори қаватдагиларга тенглаша олмайди.

Эълон

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

реконструкция қилиниши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи ва жойлашган манзили — Самарқанд шаҳар, Чуқурийўл кўчаси, 112-уйда жойлашган «Пост-патруль хизмати» батальонини реконструкция қилиш.

Буюртмачи бошланғич нархи:

ҚҚСсиз — 3 433 721 366 сўм;
ҚҚС билан — 4 120 465 639 сўм.

Қурилиш муддати — 16 ой.

Қурилиш ишлари Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси: Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нахларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй.

Телефон: (8366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметни қўйма-тининг камида 20 фоиз миқдордаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки қўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаб чиқариш тажрибасига, кўникмаларига, Мудофаа вазирлиги объектларини қуриш ва таъмирлаш учун махсус лицензияга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қўнун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бери-

ладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нахларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел. 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатига.

Тақлифлар (оферталар) очилиш, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 15 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносида соат 10-00да ўтказилади.

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

ЕТАКЧИГА ЯНА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Сиёсий партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш, ҳаяларини кенг тарғиб этишда бошланғич ташкилотлар етакчилари фаолияти катта ўрин тутати.

Хабарингиз бор, шу кунларда ЎзХДП бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилмоқда. Уларда қатнашувчи ўз ортидан эргаштира оладиган, дунёқараши кенг, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини чуқур англаган, ҳар томонлама намуна бўла оладиган етакчиларни сайлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Яқинда Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Маърифат» маҳалласида фаолият юритаётган бошланғич ташкилотда ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, электротрат вакиллари қатнашди.

Дастлаб партия ташкилотни етакчиси Дилором Ортиқованинг ҳисоботи тингланди.

— Бошланғич ташкилотлар самарали ишламас экан, сиёсий партия ўз олдига қўйган вазифаларини бажара олмайди, — деди етакчи. — Шу боис ташкилотимизда аъзолар фаоллигини ошириш, тарғибот-тўшунтириш ишларини кенгайтириш, аҳоли вакиллари билан мулоқот-учрашувлар ўтказиш ишмизнинг асосини ташкил қилди.

Хусусан, ҳисобот даврида сиёсий-ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича 17 та, кучли ижтимоий сиёсат, аҳолининг кам таъминланган қисминини аниқ йўналтирилган асосда қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратилган 12 та, давлат ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижроси юзасидан 10 та тадбир ўтказилди.

Ўтган даврдаги фаолиятимизга танқидий баҳо бера эканмиз, ишмиз талаб даражасида эмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги айрим тадбирлар, семинар ва давра суҳбатларини баҳо-мунозара, фикр алмашув руҳида ташкил этишда сусткашликларга йўл қўйди. Шунинг учун замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланиш, электротрат билан ишлашнинг янги усулларида самарали фойдаланиш борасидаги камчиликларга барҳам бериш ташкилотимиз олдимиздаги муҳим вазифа ҳисобланади.

— Туманимизда 1915 нафар партияимиз аъзоси 57 та бошланғич ташкилотга бирлашган, — дейди ЎзХДП Бўстонлиқ туман кенгаши раиси Олимжон Бобоов. — Электротратнинг сиёсий жараёндаги фаол иштирокини таъминлаш, уларни ўйлантираётган масалаларга ечим топишда қўйи ташкилотлар ташаббусдорлиги катта аҳамиятга эга. Буни тўғри англаган ҳолда, улар ишини замонавий талаблар асосида ташкил этиш учун қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаёламиз.

Таъкидлаш керакки, «Маърифат» маҳалласида фаолият юритаётган бошланғич ташкилотда 53 нафар партия аъзоси жипслашган. Йиғилишда бошланғич ташкилот фаолияти аниқ мисоллар орқали таҳлил этилди, унинг ишини такомиллаштириш бўйича партия фаоллари, депутатлар тақлиф ва тавсиялар беришди. Партия аъзоларининг етакчи фаолияти билан боглиқ фикрлари тингланди.

Билдирилган тақлиф, фикр-мулохазалар, етакчининг ўз ишига танқидий муносабати инобатга олиниб, Дилором Ортиқова ҳудудий партия ташкилотни етакчиси этиб қайта сайланди.

Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Қўриқлаш бўлинмалари бугунги кунда Ички ишлар вазирлиги тизимидаги йирик хизматлардан бири ҳисобланади. Хизмат ўз фаолиятини тўлиқ хўжалик ҳисобида юритади ва корхона, ташкилотлар, фуқароларга кўрсатилаётган қўриқлаш хизмати эвазига тушаётган маблағлар ҳисобидан таъминланади.

ҚўРИҚЛАШ ХИЗМАТИГА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Қўриқлаш хизматини бугунги кун талабларига жавоб берадиган даражага етказиш борасида сўнгги йилларда қатор амалий ишлар қилинди. Жумладан, ушбу хизматга замонавий технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини айтиб ўтиш керак. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ходимлари хорижда ишлаб чиқарилган маълумотни узатувчи қурилмаларни ўрганиб чиқди ва улардан бирини Тошкент шаҳрида синовдан ўтказиш ишлари бошланди.

Синов яхши натижаларни бермоқда. Дастлаб олти ойга мўлжалланган синов ушбу жиҳозларнинг ишончилигини кўрсатди.

Мазкур алоқа тармоқларининг қулайлиги шундаки, бунда ахборот узатишнинг тезлиги ва ҳажми юқори ҳамда иқтисодий жиҳатдан арзон. Ушбу алоқа тармоқлари орқали ахборот узатишнинг кўпбал турларини амалга ошириш мумкин. Қурилма интернет тармоғи, рақамли, модели телефон тармоқлари, GSM уяли алоқа каналлари ҳамда ультра киска тўлқинли радио тармоқларида ишлаш олади.

Техник қўриқлаш йўналишини ислоҳ қилиш 2013-2016 йилларга мўлжалланган бўлиб, уч босқичда амалга оширилади.

Ҳозирда биринчи босқични бажариш борасидаги ишлар фаол амалга оширилмоқда.

ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмасида, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти қўриқлаш бошқармаларида сервер хоналари ташкил этилиши режалаштирилиб, иш-

лар жадал суръатларда олиб боришмоқда.

Қўриқлаш хизматига замонавий технологияларнинг жорий қилиниши қуйидаги қўшимча хизматларни кўрсатиш имкониятини беради: — кўп қаватли биноларнинг умумий кириш эшикларини интеграллаштирилган қўриқлаш-ёнгин сигналлашнинг воситалари орқали қўриқлаш;

— видео кузатув мосламалари орқали қўриқлаш; — инсон ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш; — кириб-чиқини назорат ва бошқарув қурилмалари;

— кабелли коллекторлар ва магистраллар қурилмаларини қўриқлаш;

— банкوماتларни қўриқлаш; — магистраль нефть ва газ қувурларини қўриқлаш; — террористик ҳаракатларга қарши самарали кураш учун узоқ масофалардан аниқлайдиган қурилмалар ёрдамида объектларни қўриқлаш;

— телефон алоқаси мавжуд бўлмаган жойларда GSM уяли алоқа каналлари орқали қўриқлашни амалга ошириш.

Хулоса қилиб айтганда, қўриқлаш хизматига замонавий технологияларни жорий этиш давлат, халқ мулкнинг ишончли қўриқлашни, давлат аҳамиятига молик стратегик объектларнинг тўлиқ хавфсизлигини таъминлашда ўзининг самарасини беради, деб ишонамиз.

Уллубек ХОДЖАЕВ, ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» Республика бирлашмаси бошлиғи ўринбосари.

ВАТАНИНГ ТИНЧ БЎЛСА, ЮРТИНГ ТИНЧ БЎЛСА...

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири



ТИНЧЛИК

Самолёт гувиллар,
Йўловчилар то
Интиқ манзилга тезроқ етсин деб.
Сариосиёлик табаррук момо,
Кулча жўнатади менга, есин деб.

Учқур поездларга йўл очмоқ учун
Фарҳодлар қўпарар Бесутун тоғин.
Ширин қиз исирга тақмасин нечун,
Тешурлар унинг ҳам жажжи қулоғин.

Буюк ҳодисалар, оний лаҳзалар,
Йўлбарсу оҳулар ёнма-ён бунда.
Чарх урар миллатлар, тиллар, лаҳжалар,
Қитъалар қоришқ улкан қуюнда.

Сира ажабланма ва бўлма диққат,
Кимдир ўйга толиб, ким яйраб кулса.
Буларнинг барчаси ўринли, фақат
Ватанинг тинч бўлса, юртинг тинч бўлса!

29.05. 2013 йил



УМР МАНЗИЛЛАРИ

Сени кутар энди ўзга манзиллар,
У олис ёшлгинг ўтди туш каби.
Бир-бир ғойиб бўлди қарчғай йиллар,
Йилга қайтмаган овчи қуш каби.

Набиранг қайсидир, шогирд қайсидир,
Бормисан уларнинг гоёларига.
Балки ором олиб ётмоқ пайтидир
Эканан нўҳолларнинг сояларига.

Буюк шиддат билан ўзгарган даврон
Эслаб қўярмикан каломларингни.
Бир зумда «юлдузга айланган ўғлон
Ерда қолдирмасин саломларингни.

Гоҳо монанд бўлар оғу билан қанд,
Гоҳо аралашдир иззат ва қўрқув.
Ойқанд қолсанг гар, бетаъма фарзанд
Ич, деб узатарми бир пиёла сув.

Рўёбга чиқарми ўйланларинг,
Ҳориган руҳингга ким бўлур дармон.
Ҳозирча сенинг бу сўйланларинг
Кимгадир насибдир, кимгадир армон.

02.06. 2013 йил

НАЖОТ

Асли жумбоқ билан тўлиқдир дунё,
Гоҳи пайт ўзимча ўйга толаман.
Сиру синоатин билмасман, аммо
Қай бир мазмунларин чагаб қоламан.

Ахир қадамжодир заминнинг ярми,
Мудом гавжум улар, қолмас безга.
Бунинг боиси не? Англаб бўларми?
Борлиқ йўқлик сари талпинар, нега?

Қаҳшаган Қоратов бағрида нўҳон
Султон Вайс гўмбаз кўринар элас.
Одамлар ўрлайди фақат у томон,
Лекин, нега сенинг томинга эмас?

Турон саҳросининг якто гавҳари
Ҳазрат Яссавийга кўз тикар очун.
Халойиқ ошқар фақат у сари,
Сенинг томорқанга келишмас, нечун?

Олис коинотнинг пучмоқларида
Ғолиблик ҳиссини туйғайдир Инсон.
Лекин савол чиқса учоқларида
Азиз авлиёсин эслар безумон.

Чала тушига ҳам ишонмоққа шай,
Одам боласининг шулдир аҳволи.
Сувлоққа югурган ташна оҳудай,
Турасини кўрган тулпор мисоли.

Беморни оғриқлар илондек чақар,
Йўқу йўқ туллари қошонасийа.
Черковига кириб шам кўйиб чиқар,
Юкунар масжиднинг остонасийа.

Ҳа, нажот кутар у, мадад истайди,
Ахтарар эзгулик нишонасини.
Топса, ўша ёққа отин қистайди,
Ўша жойга урар пешонасини.

23.05. 2013 йил

УСТОЗ МИРТЕМИР САБОҚЛАРИ

Устоз Миртемирни эслайман ҳануз,
Раҳмдил, бағрикенг, аёвли, танти.
Юз бор қаламида қайраларди сўз,
Юз бор ўзгарарди шеърнинг ҳар банди.

Мулоим боқарди Устоз доимо,
Теграсида бизлар — узок-яқинлар.
Қаршидан, Нуқусдан, Сидарёдан ё
Хоразмдан келган ўсмир оқинлар.

Ишланг, — дерди Устоз,
— шеър бўлсин равон,
Меҳнатдан қочмасин ижодкор халқи.
Лекин камситмасди бизни ҳеч қачон,
Устоз шунинг учун Устоздир, балки.

23.03. 2013 йил

НАФС

Очкўзни инсофга келтирмоқ учун
Қор қилар на танбех, на бирор жазо.
Ақчага бойласанг чилвирнинг учин
Ўзини осгайдир шу зум, шу асно.

Ўйларсиз, ниҳоят ечилди жумбоқ,
Очкўзнинг ҳумори буткул бошлан.
Ақчанинг жарангини эшитса бироқ
Қайтадан тирилгай ўша осилан.

10.06. 2013 йил

«ҲАР БИР ФАРЗАНДГА МЕҲР, ЭЪТИБОР»

деб номланган тадбирлар давом этмоқда



Пойтахтимиздаги Республика ёш томо-
шабилар театрида «Соғлом авлод учун»
ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия
жамғармаси томонидан ўтказилган тадбир бо-
лажонларни хушқуд этди.

Тадбирда 2-сонли Му-
руват уйи тарбияланувчи-
лари, жисмоний имкония-
ти чекланган болалар ўзла-

рининг ажойиб сахналаш-
тирилган театр томошаси,
муסיқий чиқишлари ва
раксдаги маҳоратларини
намоийш қилди.

— Ёзги таътил кунлари-
да болажонларимиз билан
турли байрам дастурлари
ташқил этамиз, — дейди
Муруват уйи тарбиячиси
Феруза Хурсанова. — Бу
галги тадбиримизга ҳам бо-
лалар алоҳида тайёрла-
нишган. Улар ўз маҳорат-
ларини астойдил намоийш
этишга ҳаракат қилди.

Тадбир сўнггида ташки-
лотчилар томонидан барча
иштирокчиларга эсдалик
сوغалари топширилди.
Альбина ЖУМАНОВА

«УСТОЗ ВА ШОГИРД»



Ўзбекистон Бадий академиясида мана шу номда кўргазма ташкил этилди

Унда Республикада хизмат кўрсатган
маданият ходими, профессор Рустам
Худойберганов ва шогирдларининг юз-
дан ортиқ рангтаъсир ва графика асар-
лари намоийш қилинмоқда.

Кўп қиррали устознинг монументал
асарлари Тошкент, Термиз, Урганч ка-
би шаҳарлардаги биноларни безаб ту-

рибди.
Кўргазмадан устоз ва унинг шогирд-
лари томонидан яратилган юртимизнинг
ғўзал табиат манзаралари, қадимий ша-
ҳарларимиз ва сўлим воҳаларимиз тас-
вирланган асарлар жой олган. Мазкур
кўргазма 26 июнча давом этади.
(Ўз мухбиримиз.)

Ижтимоий ҳимоя

маълумотли шифокор, даҳа,
муолажа хонаси ва физиоте-
рапия ҳамшираси ҳамда рент-
ген лаборанти каби мутахас-
сислар учун бўш жойларимиз
бор. Тадбир бошланганига ҳеч
қанча вақт ўтмасданок, 15 на-
фарга яқин иш сўраб келув-
чиларни рўйхатга олди.

— Ҳозиргина Давлат тижо-
рат халқ банки (ДТХБ)нинг
Сергели филиалига назорат-
чи-ҳисобчи лавозимига
йўлланма олдим, — дейди
Тошкент молия ва иқтисоди-
ёт касб-хуна қоллежини та-
момлаган Сетора Хўжақуло-
ва. — Ўзим хоҳлаган соҳага
ишга кирганимдан хурсанд-
ман. Ярмарка ташкилотчилар-
ига катта раҳмат. Чунки, биз
каби иш излаганлар бу ерга
келиб, мутахассислигимиз
бўйича иш топиш имкония-
тига эга бўлмоқдамиз. Ўзин-
гиз гувоҳи бўлиб турибсиз,
бир қанча ташкилотларнинг
масъул ходимлари ишчи ке-
рак, бўш иш ўрнимиз бор,
дея таклиф қилишмоқда.

— Биз бугун 9 та бўш иш
ўрни билан қатнашмоқдамиз,
— дейди ДТХБ Сергели фи-
лиалининг ходимлар билан
ишлаш бўлими бош мутахас-
сиси Гулжон Аширбоева. —
Ҳозиргача 7 нафар иш сўраб
келувчига таклиф этаётган
ишимиз маъқул бўлди. Бугун

Тоштемр Худойқулов,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИДА

ўз мутахассислиги бўйича 86 киши,
асосан, ёшлар ишга йўлланма олди

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
вазирлиги, Сергели туман ҳокимлиги, туман про-
куратураси Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижти-
моий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида тумандаги
Тошкент шаҳар Касб-хунарга ўқитиш марказида бўш
иш ўринлари ва вақант лавозимлар ярмаркаси ташкил
этилди. Унда корхона, ташкилот ва муассасалар ўзла-
рида мавжуд 893 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

— Айни пайтда туманимиз-
да вақтинча иш билан банд
бўлмаган аҳоли 1434 нафарни
ташқил этмоқда, — дейди
Бандликка қўмаклашиш ва
аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш маркази директори
Холида Низомова. — Шу-
нингдек, тумандаги касб-
хуна қоллежлари битирув-
чилари сони 3199 нафарни
ташқил этади ва уларнинг
барчаси мутахассислиги бў-
йича корхона, ташкилотлар
билан уч томонлама шартно-
ма тузган.

Бундан ташқари, жорий
йилда худудимизда ўз фао-
лиятини ташқил этиш учун ер
ажратилган корхоналар сони

48 тани ташқил этиб, улар-
нинг 32 тасида қурилиш иш-
лари олиб борилмоқда. Шу
билан бирга, қурилиш бит-
ган 26 та корхонанинг 5 таси
ўз ишини бошлади. Натижа-
да 58 киши доимий иш ўрни-
га эга бўлди.

— Мен тиббиёт коллежи-
нинг ҳамширалик йўнали-
шини тугатганман, — дейди
Дилноза Мавлонова. — Уш-
бу ярмаркага келиб, туман-
даги 10-оилавий поликли-
никага ҳамшира бўлиб иш-
лаш учун йўлланма олдим.
Бундан жуда хурсандман.
Ўзинг орау қилган касб бўй-
ича меҳнат қилиш мароқли,
албатта.



— Ярмаркада биз 31 та бўш
иш ўрни билан иштирок этип-
миз, — дейди туман кўп тар-

моқли поликлиникасининг
ходимлар бўлими нозир
Регина Галимова. — Олий

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va o'lonlar — 233-38-55, 233-47-90; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etildi.
Korxonamiz: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 646
16158
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 01.10
Topshirilgan vaqti — 02.30

Sotuvda erkin narxda

Спорт хабарлари

ТЕННИС

Бухоро шаҳрида хотин-қизлар
ўртасида давом этаётган халқ-
аро турнирда ярим финалчилар
аниқланди. Иккинчи рақамда са-
раланган ҳамюртимиз Нигина
Абдураимова россиялик Анаста-
сия Фроловани, япониялик Эри
Хозумини, беларуслик Полина
Пеховани енгди.

Энди Нигина финал йўлан-
маси учун швейцариялик Амра
Садикович билан рақобатлаш-
ди. Иккинчи ярим финалда ук-
раиналик Валентина Иващенко
руминиялик Анна Богданга
қарши қортга чиқди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА



Чехиянинг Прага шаҳрида
ўтказилган «Josef Odlozil Me-
morial» халқаро турнирида Ўзе-
бекистон терма жамоаси аъзоси
Надия Дусанова олтин медалга
сазовор бўлди. Моҳир спортчи-
миз баландликка сакраш баҳсла-
рида 1,86 метр натижа қайд этиб,
асосий рақобатчиси — болгария-
лик Мирела Демиревани ортида
қолдирди.

ШОҲМОТ



Фахрийлар ўртасида ўтказилган
Ўзбекистон чемпионатида пой-
тахтлик Аҳмаджон Эрқабоев бир-
инчи ўринни эгаллади. Иккин-
чи ўрин самарқандлик Муҳрбой
Зулфигоровга, учинчи ўрин пой-
тахт вакили Сергей Федяшинга
насиб этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ОБ-ХАВО	15 - 16 — 06. 2013
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+15 / +20	+30 / +35
Бухоро ва Наманган вилоятлари	
+17 / +22	+32 / +37
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
+15 / +20	+30 / +35
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+17 / +22	+32 / +37
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
+13 / +18	+25 / +30
Тошкент шаҳри	
+15 / +17	+33 / +35
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+13 / +12
Париж	+13 / +13
Москва	+13 / +16
Мадрид	+18 / +19
Пекин	+21 / +22
Канберра	+1 / -2
Рим	+15 / +15
Афина	+18 / +19
Токио	+22 / +22
Стокгольм	+13 / +12
Кейптаун	+11 / +10
Қоҳира	+22 / +22
Гавана	+24 / +23
Вашингтон	+19 / +19

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят
кенгаши Жиззах шаҳар партия ке-
наши раиси Носир Сиддиқовга отаси
Мамасамат Сиддиқовнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъ-
зия билдиради.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Murodilla ABDULLAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Navbatchi:

Asror MO'MINOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 5